

**Ишчи хужжатларини ишлаб чиқиш учун  
1-сонли ШАРТНОМА**

Тошкент ш.

“ 14 ” март 2022 йил

Ушбу шартнома биринчи томондан “Буюртмачи” деб юритиладиган “O’zyo’loyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор С.Кахаров иккинчи томондан кейинги уринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган "Spektr loyiha" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрадиган директор У.Саматов “Ўзйўллоиха” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 9 марта ги баёнига асосан қуидаги шартномани туздилар:

### **1. Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи Бажарувчини “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК билан 2021 йил 24 декабрдаги 1383-сонли Бош шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш обьектининг ишчи хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш учун ёрдамчи лойихачи сифатида жалб қиласди.

1.2. Буюртмачи Бажарувчига Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш обьектининг ишчи хужжатларини ишлаб чиқишида 4К755 “Олмазор қ. - Тельман пахта пункти - Эшонобод қ. - Янгиобод қ.” автомобил йўлининг 14-34 км синемини тўла таъмирлаш (асфальтобетон қопламали) ишчи хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажаришини тонширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.3. Бажариладиган ишлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланадиган техник топширикка асосан амалга оширилади.

1.4. Ишларнинг тугалланиш вақти аванс маблағи молиялаштирилган кундан бошланиб, 19 кун муддатда тутатилади.

### **2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси 1-иловадаги шартнома баҳосини келишув баённомасига асосан КҚС сиз 594 500 000 (беш юз тўқсан тўрт миллион беш юз минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи ушбу обьект бўйича асосий буюртмачидан аванс миқдори келиб тушгандан сўнг, шартнома баҳосининг 15% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Бажарувчи томонидан расмийлаштирилган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб колиниб амалга оширилади.

2.4. Ишлар Бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, асосий буюртмачидан экспертиза хулосаси олингандан кейин ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича бажарилган ишлар учун 70 фоиз молиялаштириш амалга оширилгандан кейин Буюртмачи Бажарувчига 5 (беш) кун ичидаги жами ишлар ҳажмининг (ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб колиниб) 70 фоизини тўлаб беради.

Объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва бажарилган ишлар асосий буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Шартноманинг 2.1-2.4-банларида кўрсатилган молиялаштириш муддатлари ва тартиби асосий буюрмачи билан тузилган шартнома (Бош шартнома) бўйича маблағ “Буюртмачи” хисоб ракамига келиб тушиши муддатлари ва тартибига караб, “Буюртмачи” томонидан бир томонлама ўзгартирилиши мумкин ва бу ҳақда “Бажарувчи” ни хабардор килиниши шарт эмас.

2.6. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

- ишлар кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда ёки мазкур обьект юзасидан лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишга асосий буюртмачи билан тегишли шартномалар имзолангач, кўшимча келишув асосида шартнома кийматига ўзгартириш киритилиб қайта хисоб-китоб қилинади.

### **3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни техник топширик, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Асосий буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (боскичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи тайёрланган лойиха хужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учунчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзгатилган даъво юзасидан ишда катнашишга Бажарувчини жалб қиласди ва Бажарувчи ўзи томонидан бажарилган ишларининг камчилиги учун ўзи жавобгар бўлади.

3.4 Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиха хужжатидан фойдаланиш натижасида қўшимча (кўзда тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, Бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир хафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида кайтадан бажаради ва аниқланган қўшимча харажатларни тўлиқ ўз хисобидан коплади.

3.5. Бажарувчи Лойиха хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.6. Бажарувчи лойиха ва кидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошка дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишига ҳакли. Бажарувчи ишларни лойиҳалаш ҳакидаги топшириқ ва бошка дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиха хужжатларини асосий буюртмачи билан келишиб олиш ишларида иштирок этиш, шунингдек; тайёр бўлган лойиха хужжатларини ва кидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиха хужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар тегишли қонун хужжатларида белгиланган тартибида, ШНК талаблари асосида, электрон (флешкада word, excel ва Autocad) ва нашр килинган З нусхада топширилади.

Мазкур талабларга риоя килинмаган ҳолда топширилган ишлар кабул килинмаган деб хисобланади.

3.8. Бажарувчи лойиха хужжатлари ва кидирув ишларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха хужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха хужжатларида ёки кидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар конунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган заарни буюртмачига тўлаши шарт.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.

4.3.Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади. Бажарувчи томонидан Буюртмачига топширилаётган хужжатлар тўплами **Асосий буюртмачининг** тегишли ходимлари томонидан маъкулланиб, имзоланган бўлиши шарт, акс ҳолда Буюртмачи хужжатлар тўплами ва ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қиласлика ҳақлидир.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса ва уни ҳакида **Асосий буюртмачи** Буюртмачини ёхуд Бажарувчини хабардор килса, томонлар 5 кун муддат ичидаги тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичидаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши Бажарувчи учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро хисоб-китоб қилиш вақти хисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хulosha учун мурожат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

4.7. Бош буюртмачи ва экспертиза ташкилоти томонидан билдирилган таклиф ва камчиликларни эътиrozсиз бажарилишини таъминлайди.

#### **5. Конфиденциал маълумотларни химоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқкан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Қўшимча шартлар**

6.1. Бажарувчи ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласди ва тўловни Асосий буюртмачи томонидан бош шартномада бўйича бажарилган ишлар молиялаштириши амалга оширилгандан кейин амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулокат йўли билан ҳал килинмаган муаммолар қонун хужжатларида қўрсатилган тартибда ҳал килинади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш хукукига эга.

6.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан ҳолларда конунда белгиланган тартибда Тошкент туманлараро Иктисадий судга даъво аризаси киритиш оркали ҳал килинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилганда мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ҳар бир қунига 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Бажарувчи томонидан лойиҳани тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг ҳар бир қунига 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Агар Асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига неустойка ёки заарни қоплаш хисобланса, ва бунга Бажарувчининг бажарган ишларидаги камчиликлар сабаб бўлса, ушбу неустойка ёки заарни Буюртмачига унинг тегишли хатини олгандан сўнг 7 (етти) кунлик муддатда тўлаб бериши шарт.

6.9. Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошка тўловлар бўйича Бажарувчи мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса ёхуд мазкур шартнома предмети бўйича Асосий буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига хисобланган неустойка ёхуд заарни тўлаб бермаса, Буюртмачи ушбу маблағларни Бажарувчини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиш хукукига эга.

6.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.11. Шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

6.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.13. Шартномага қўйидагилар илова килинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова);

- Бажариладиган ишлар тури бўйича Техник топшириқ жадвали (2-илова);

## 7. Томонларининг манзили ва хисоб ракамлари

**Буюртмачи**

**“O’zyo’loyiha loyiha qidiruv instituti” DUK**

100000, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустакиллик шоҳ кучаси 68-үй  
Тел: 71 237-15-08  
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001  
АТИБ «Ипотека банк»  
Яшнобод туман филиали  
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527



Директор

C.Кахаров

**Бажарувчи**


**"Spektr loyiha" МЧЖ**

Тошкент шаҳри, Мирзо  
Улугбек тумани Ахмад-Юнакий  
кучаси, 26А-үй, 67-хона.  
Тел: +998 90 962-33-11  
Х/р: 2020 8000 5050 9333 3001  
АТИБ “Ипотека банк”  
Тошкент ш. амалиёт бўлими  
МФО: 00419, ИНН: 306 526 154




Директор

У.Саматов

Юридик бюро бошлиғи  С.Самиева

Директор ўринбосари  О.Раджабов

Бош мухандис  Ф.Мамараҳимов

Бўлим бошлиғи-бош хисобчи  Т.Сувонов

Бош мутахассис  С.Салимуҳамедова

2022 йил «14» мартдаги

1 -сонли шартномага

1 - илова

## Шартнома баҳосининг келишув

### БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар: Тошкент вилоятидаги умумий фойдаланишда бўлган маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш обьектининг ишчи хужжатларини ишлаб чиқиша 4К755 “Олмазор қ. - Тельман пахта пункти - Эшонобод қ. - Янгибод қ.” автомобил йўлининг 14-34 км қисмини тўла таъмирлаш (асфальтобетон қопламали) ишчи хужжатларини ишлаб чиқиши ишларини бажариш бўйича 2022 йил “14” мартдаги 1-сонли шартнома баҳоси ҚҚС сиз 594 500 000 (беш юз тўқсан тўрт миллион беш юз минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

#### Буюртмачи

“O’zyo’lloyiha loyiha qidiruv instituti” DUK

100000, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустакиллик шоҳ кучаси 68-үй  
Тел: 71 237-15-08  
X/p: 2021 0000 7009 2163 2001  
АТИБ «Ипотека банк»  
Яшнобод туман филиали  
МФО: 00959, ИИН: 305 756 527



Директор

С.Кахаров

#### Бажарувчи

“Spektr loyiha” МЧЖ

Тошкент шаҳри, Мирзо  
Улугбек тумани Ахмад-Юнгакий  
кучаси, 26А-үй, 67-хона.  
Тел: +998 90 962-33-11  
X/p: 2020 8000 5050 9333 3001  
АТИБ “Ипотека банк”  
Тошкент ш. амалиёт бўлими  
МФО: 00419, ИИН: 306 526 154



Директор

У.Саматов